

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 809.51 – 0
ББК: 81.2 (5 КИТ)
Х – 33

ХАШИМОВА САБОХАТ АБДУЛЛАЕВНА

ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА РЕДУПЛИКАЦИЯ

10.02.22 – Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия
туб халқлари тиллари

Филология фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Иш Тошкент давлат шарқшунослик институтининг хитой филологияси кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, доцент
КАРИМОВ Акрамджан Абильевич

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори,
профессор
Дадабаев Ҳамидулла Арипович

филология фанлари номзоди,
доцент
Зиямухамедов Жасур Ташпулатович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Ҳимоя Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларни ҳимоя қилишга мўлжалланган Д 067.70.02 рақамли кенгашнинг 2009 йил «___» _____ соат_____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25- уй.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «___» _____ да тарқатилди.

Д 067.70.02 Ихтисослашган
Кенгаш илмий котиби

Ф.ф.д., проф.
Р.У.ХОДЖАЕВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. ...Ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”¹.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий тилларни ўрганишга кенг йўл очиб берилди. Хусусан, хитой тилини ўрганиш, мазкур тил бўйича илмий изланиш олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу тилни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўйди.

Диссертация ҳозирги хитой тилида турли сўз туркумларида кенг қўлланиладиган редупликация ҳодисасини ўрганишга бағишланган. Гарчи мамлакатимиз хитойшунослари томонидан хитой тилига бағишланган илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, диссертация мавзуи бўйича ўзбек хитойшунослигида алоҳида илмий-тадқиқот иши олиб борилмаган. Мамлакатимизда хитой тилшунослиги, таржима, тил ўқитиш соҳалари ва амалиётнинг ривожи ушбу мавзунинг кенг ёритилишини тақозо этмоқда. Тадқиқот хитойшунос ўқувчи-талабаларга хитой тилида редупликатив сўз ясаш усулини чуқурроқ билишга ёрдам беради. Тадқиқот натижалари умумий хитойшунослик учун ҳам аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги хитой тилида редупликация ҳодисаси сўз ясалишининг кенг тарқалган усулларида бири бўлишига қарамасдан, мазкур мавзу ҳозирги кунга қадар алоҳида ўрганилмаган. Хитой тили грамматикасига оид манбаларда редупликация ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилган. Хусусан, Чэн Чиэнруаннинг 基础汉语课本 *Jichu hanyu keben* (“Хитой тили асослари”)² китобида феъл, сифат туркумига оид сўзларнинг такрорланиб келиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилган. Феълларнинг ‘АА’, ‘АВAB’, сифатларнинг ‘АА’ ҳамда ‘АABV’ редупликатив моделлари ва улар асосида ҳосил бўлган такрорий сўзларнинг хусусиятлари, грамматик функциялари қайд этилган. Тань Аошуаннинг “Учебник современного китайского разговорного языка”³ ва Лиё Юэннинг 现代汉语词典 *Xiandai hanyu cidian* (“Ҳозирги хитой тили луғати”)⁴ китобларида турли редупликатив сўзлар, уларнинг маънолари изоҳлаб берилган. Лекин такрорий сўзларнинг ҳосил бўлиш йўллари, гапдаги вазифалари, ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилмаган.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997. - Б.185.

²陈前软. 基础汉语课本. - 北京: 商务印书馆, 1991年. (Чэн Чиэнруан. Хитой тили асослари. – Пекин: Шангвуйншугуан, 1991.)

³ Тань Аошуан. Учебник современного китайского разговорного языка. - М.: Наука, 1988.- С. 340.

⁴ 刘粤. 现代汉语词典. - 北京: 商务印书馆, 2002年. (Лиё Юэн. Ҳозирги хитой тили луғати. – Пекин: Шангвуйншугуан, 2002.)

Ху Болиёнинг 现代汉语动词与形容词特点 *Xiandai hanyu dongci yu xingrongci tedian* (“Ҳозирги хитой тилида феъл ва сифатларнинг хусусиятлари”)⁵ китобида редупликацияга доир маълумот бошқа манбаларга қараганда кенг ёритилган, яъни бунда редупликациянинг турли сўз туркумларида ҳосил бўлиш моделлари, такрорий сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари, гапдаги вазифалари баён қилинади.

Вэн Юэннинг 实用现代汉语语法 *Shiyong xiandai hanyu yufa* (“Ҳозирги хитой тили грамматикаси”)⁶ китобида сифат туркумига оид такрорий сўзларнинг ‘АА’, ‘АА 儿’, ‘ААВВ’, ‘АВAB’, ‘А 里 AB’, феъл туркумига оид такрорий сўзларнинг ‘АА’, ‘А–А’, ‘А 来 А 去’ ҳамда тақлид сўзларнинг ‘АА’ каби редупликатив моделлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, такрорий сўзларнинг гапдаги вазифалари, хусусиятлари ҳақида маълумот бор.

В.И.Гореловнинг “Лексикология китайского языка”⁷ китобида редупликация ва унинг турлари ҳақида изоҳ берилган. Бироқ уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва маънолари кўриб чиқилмаган.

Т.П. Задоев, Хуан Шуиннинг “Основы китайского языка”⁸ китобида феълнинг икки хил редупликатив модели (‘АА’ ва ‘А–А’) мисол тариқасида келтирилган. Лекин бу моделлар асосидаги редупликатив сўзларнинг хусусиятлари таҳлил қилинмаган.

О.М. Готлибнинг “Практическая грамматика современного китайского языка”⁹ китобида сифат туркумига оид сўзларнинг редупликацияси ўрганилган. Сифатларнинг ‘АА’, ‘ААВВ’, ‘АВAB’ ҳамда ‘А 里 AB’ редупликатив моделлари асосида такрорланиши ва такрорий сўзларнинг маънолари ёритилган.

Н.Н. Коротков, Ю.В. Рождественский, Г.П. Сердючко, В.М. Солнцев ҳаммуаллифлигидаги “Китайский язык”¹⁰ китобида редупликация ҳодисасига оид умумий маълумотлар ўрин олган. Муаллифлар от туркумига оид сўзлар такрори ҳақида фикр юритиб, мисол сифатида 哥哥 *gege* “ака”, 姐姐 *jiějie* “опа” сўзларини келтирадилар. Бундан ташқари, феъллардаги редупликациянинг фақат икки тури, сифатлардаги редупликациянинг эса бир тури кўрсатилган. Ваҳоланки, редупликация хитой тилининг турли сўз туркумларида мавжуд бўлиб хилма-хил кўринишларга эга (диссертациянинг III бобидаги 1-жадвал).

Н.В. Воропаев “О структуре слов-редупликатов в современном китайском языке”¹¹ мақоласида ҳозирги хитой тилида редупликация ёрдамида такрорий сўзлар ҳосил бўлиши асосан икки усулда амалга ошади, деб ёзади:

⁵ 故 播 刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。(Ху Болиё. Ҳозирги хитой тилида феъл ва сифатларнинг хусусиятлари. – Пекин, 2003.)

⁶ 文月。实用现代汉语语法。-北京: 商务印书馆, 1983年。(Вэн Юэн. Ҳозирги хитой тили грамматикаси. – Пекин: Шангвуйншугуан, 1983.)

⁷ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М.: Просвещение, 1984. - 321 с.

⁸ Задоев Т.К., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс), том II. - М.: Наука, 1986. - 245 с.

⁹ Готлиб О.М. Практическая грамматика китайского языка. - М.: Муравей, 2003. - 180 с.

¹⁰ Китайский язык / Коротков Н.Н., Рождественский Ю.В., Сердючко Г.П., Солнцев В.М. - М.: Наука, 1961. – 180 с.

¹¹ Воропаев Н.В. О структуре слов-редупликатов в современном китайском языке. - М., 2002. - 49 с.

1. Такрорий сўз бир бўғинли (соdda) сўз асосида ҳосил бўлади (бунда соdda сўзнинг бўғини ‘АА’ редупликатив моделида такрорланиб келади): 家家 *jiajia* “ҳар бир оила”, 刚刚 *ganggang* “ҳозиргина”, 乖乖 *guaiguai* “азизим”.

2. Такрорий сўз икки бўғинли (мураккаб) сўз асосида ҳосил бўлади (‘ААВВ’, ‘АВAB’, ‘АAB’ редупликатив моделлари таянган ҳолда): 高兴兴 *gaogao xingxing* “хурсанд бўлмок”, 快活快活 *kuaihuo kuaihuo* “завқланмок”, 喷喷香 *penpen xiang* “хушбўй”.

Сифатга хос ‘А 里 AB’ моделини барча хитой тили грамматикаси китобларининг муаллифлари редупликация моделларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Н.В. Воропаевнинг фикрича, мазкур моделдаги сўзлар редупликатив сўзлар эмас. Воропаев “сўзларда мавжуд бўғинлар такрорланса, уларни редупликатив сўзлар деб аташ мумкин. Лекин мазкур моделда 里 *li* морфемаси бўлганлиги сабабли у редупликат бўла олмайди”¹² деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, ‘А 里 AB’ модели редупликациянинг тўлиқсиз модели ҳисобланади. Маълумки, редупликация бу фонеморфологик ҳодиса бўлиб, унинг тўлиқ ва тўлиқсиз кўринишлари мавжуд¹³. Сўзнинг барча бўғинлари кетма-кет такрорланиб келса, бу сўз тўлиқ редупликация (‘ААВВ’, ‘АВAB’), сўзнинг фақат бир бўғини такрорланса, тўлиқсиз редупликация ‘АAB’ кўринишига эга бўлади. ‘А 里 AB’ моделида сўзнинг биринчи бўғини (А) такрорланади. Бу эса тўлиқсиз редупликацияга қўйилган шартга жавоб беради, яъни: ‘AB’ = ‘AAB’. Лекин шундай морфемалар ҳам борки, улар редупликатив сўзларнинг мазмун-моҳиятини, хусусиятини равшанлантириб беришга хизмат қилади. Масалан, феълларда редупликациянинг ‘А – А’ моделидаги —уи морфемаси. Бу моделдаги сўзлар хатти-ҳаракат тез, қисқа муддат ичида рўй беришини ифодалайди: 写一写 *xie yi xie* “ёзиб ол”, 看一看 *kan yi kan* “қараб кўр”. ‘А 里 AB’ моделида эса 里 *li* морфемаси сўзларнинг хусусиятини кучайтириш учун қўлланилади: 马湖 *mahu* “бир амаллаб”, “зўрға”, “пала-партиш”, 马 里 马 湖 *ma li mahu* “масъулиятсиз”. Демак, мазкур модель редупликациянинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Диссертация мавзуси мазкур институтнинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2005 йил 31 март, 7 - сонли баённома).

Тадқиқот мақсади. Илмий ишдан кўзланган мақсад ҳозирги хитой тили сўз туркумларида редупликация ҳодисаси, унинг ясалиш усуллари, хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий ишда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

¹² Воропаев Н.В. О структуре слов-редупликатов в современном китайском языке. - М., 2002. - 46-48 с.

¹³ Лингвистический энциклопедический словарь. 2-издание, дополненное. - М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. - С.408.

–ҳозирги хитой тилидаги редупликатив сўзларнинг таркиби ва кўлами аниқланди;

–уларнинг турли сўз туркумларида ўзига хос ясаиш моделлари таҳлил қилинди;

–редупликация ҳодисасининг морфологик жиҳатлари ўрганилди;

–редупликатив сўз яшаш усулининг бир қанча сўз туркумларида мавжудлиги кўрсатиб берилди;

–редупликатив сўзларнинг хусусиятлари, гапдаги вазифалари таҳлил қилинди;

–редупликация кенг фойдаланиш доирасига эга эканлиги ёритилди;

–тадқиқот асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти сифатида ҳозирги хитой тилининг бир қатор сўз туркумларида редупликация ҳодисаси ва унинг моделлари олинди.

Тадқиқот ишининг предмети ҳозирги хитой тилида турли сўз туркумларида редупликатив бирликларнинг структур ва функционал таҳлили, редупликатив сўзлар моделларининг хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотга манба сифатида Чай Шилиннинг “试论汉语双音动词重叠形式的问题” *Shilun hanyu shuangyin dongci chongdie xingshide wenti* (Хитой тилида икки бўғинли феъллар редупликацияси масаласи) (Хэбэй, 1990), Чэн Чиенруаннинг “动词重叠的情况特征及气体的地位” *Dongci chongdiede qingkuang tezhen ji qitide diwei* (Феъллар редупликацияси масаласи ва синтактик хусусиятлари) (Пекин, 2001), Ху Болиёнинг “现代汉语动词与形容词特点” *Xiandai hanyu dongci yu xingrongci tedian* (“Ҳозирги хитой тилида феъл ва сифатларнинг хусусиятлари”) (Пекин, 2003), Ли Гаонинг “现代汉语动词研究” (“Хитой тилида феъллар таҳлили”) (Пекин, 2004) китоблари, Гао Венда ва Ван Лижиннинг “Hanyu cihui zhishi” (“Хитой или лексикологияси”) (Дзинан, 2006) ҳамда “现代汉语词典” *Xiandai hanyu cidian* (“Ҳозирги хитой тили луғати”) (Пекин, 2002), “成语词典” *Chengyu cidian* (Фразеологик луғат) (Шанхай, 1992) каби китоблари олинган.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Тадқиқотда тилшунослар В. Гумбольдт, В.Г. Гак, Г.А. Зограф, И.М. Кобозева, Д.С. Лотте, Дж. Лайонз, А.А. Реформатский, Ю.В. Рождественский, В. Томсен, Н. Хомски, А.А. Хаматова, О.С. Ахманова, А.С. Бархударов, В.И. Горелов, М.А. Халлидей, Н.Н. Коротков, Чэн Чиэнруан, Ян Синьань, Ху Болиё, Хуан Дингчи, С.Е. Яхонтов, Ш. Шоабдурахмонов, А. Ҳожиев, шунингдек, шарқшунослардан О.Н. Шоматов, Қ.П. Содиқов, А.А. Каримов ва бошқаларнинг асарларига суяндик.

Тадқиқот методлари. Мавзуга оид тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган тарихий, структур, тавсифий, таҳлилий, компонент, жадвалга солиш, квантитатив ҳамда статистик, ҳисоб-китоб методлари ёрдамида таҳлил этилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Ҳозирги хитой тилида редупликациянинг структур жиҳатдан умумий уч тури мавжуд: 1) бутун сўзнинг такроридан ҳосил бўладиган редупликация –

тўлиқ редупликация; 2) сўзнинг маълум бўғини такрори натижасида вужудга келадиган редупликация – тўлиқсиз редупликация; 3) мураккаб редупликация – ёрдамчи морфемалар (аффикслар, ярмаффикслар) иштирокидаги такрор.

2. Ҳар хил типологиядаги тиллар нафақат барча (ёки аксарият) тиллар учун умумий бўлган сўз ичидаги такрор усулини ўзига хос тарзда қўллаш, балки бу усул тараққиётининг бошқа типологик кўрсаткичлар билан боғланганлик даражасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

3. Редупликациянинг структур-семантик ва функционал кўринишлари асосида қуйидаги янги таърифни таклиф қилиш мумкин: редупликация – бу морфема, ўзак ёки унинг унсурлари (товуш, бўғинлар) ёки бутун сўзларнинг такроридан иборат сўз ёки шакл ҳосил қилиш усулидир. У ёки бу турдаги редупликациянинг маҳсулдорлиги тил морфологик қурилишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

4. Флексив тилларга хос редупликатив моделларни ҳисобга олган ҳолда редупликация ҳодисасини таҳлил қилиш унинг фақат фонеморфологик ҳодиса сифатидаги кенг тарқалган таърифини тузатишга имкон беради.

5. Хитой тилида редупликация турли сўз туркумларида ҳар хил моделлар асосида вужудга келади. Шунингдек, айрим сўзларнинг фақат ўзларига хос бўлган редупликатив моделлари мавжуд.

Ишнинг илмий янгилиги.

–Ўзбек хитойшунослигида биринчи мартаба хитой тилида редупликация ҳодисаси ўрганилди;

–Редупликациянинг турли сўз туркумларида ясаиш моделлари тадқиқ этилди, редупликатив бирликларнинг структур таснифи ўтказилди;

–Редупликатив сўзларнинг функционал таҳлили амалга оширилди;

–Иш жараёнида хитой тилининг от, сифат, феъл, таклид сўз ва бошқа сўз туркумлари, шунингдек, фразеологизмларга хос янги редупликатив моделлари аниқланди;

–Ишда хитойшуносликда редупликация ҳодисаси структур-функционал жиҳатдан систем ҳолатда ўрганилди;

–Редупликациянинг структур ва лексик хусусиятлари таҳлил қилинди;

–Хитой тилидаги редупликациянинг тўлиқ ва тўлиқсиз моделлари аниқ белгиланди;

–Редупликатив сўзларнинг миқдорий таҳлили учун лингвистик илмий эксперимент амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материалларидан хитой тили лексикологияси ва лексикасига оид курсларда, хитой тилини ўргатиш жараёнида, қўлланма ҳамда дарсликлар тузишда, айниқса, хитой тилига оид ўқув қўлланмалар, шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда, умумий тилшуносликда, таржима соҳаларида кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Мазкур илмий тадқиқот иши бўйича хитойшунослик масалаларига бағишланган республика ва халқаро илмий анжуманларда, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчиларининг “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари”

(2005 йил январь), “Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё: филология, сиёсат ва фалсафа масалалари” (2006 йил 1–2 февраль), “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари: филология, сиёсат, иқтисодиёт ва фалсафа” (2006 йил 4 декабрь, 2007 йил ноябрь, 2008 йил декабрь), “Шарқшуносликнинг долзарб муаммолари” (2008 йил январь) мавзулардаги илмий-амалий ва йиллик анжуманларида маърузалар қилинган.

Халқаро даражада диссертант “Осиё Таржимонлар Ассоциацияси” (ХХР) томонидан таклиф қилиниб, 2004 йил 27-31 октябрда Пекинда ўтказилган “The Fourth International Forum on Translation and Interdisciplinary Studies” таржимашунослик масалаларига бағишланган IV халқаро илмий форумда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Истеъдод” жамғармасининг 2005-2006 йилги грант совриндори сифатида 2006 йил 12-15 майда Шанхайда ўтказилган “The International Conference on Translation and Interdisciplinary Studies” таржимашунослик масалаларига бағишланган V халқаро илмий конференцияда, 2006 йил 25-29 майда Пекинда ўтказилган 中国第五届 诗歌 翻译 年会 таржимашунослик масалаларига бағишланган V халқаро илмий конференцияда маърузалар қилган ҳамда конференция, форумнинг илмий журналларида хитой ва инглиз тилларида ушбу мавзу бўйича мақолалар нашр этган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган “Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани”да (2007 йил 15-17 март) диссертантнинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари “Педагогика, психология, таълим ва тарбия” йўналиши бўйича Фахрий ёрлик билан тақдирланган ва тадқиқот иши юзасидан мақола анжуманнинг илмий тўпламида чоп қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Пекиндаги Хитой Миллатлар Университетининг хитой филологияси кафедраси йиғилишида (2007 йил 5 январь), Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети хитой, турк ва ҳинд филологияси кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида (2007 йил 11 апрель), Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги 10.02.22 - Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари ихтисослиги бўйича илмий семинарида (2008 йил 18 апрель) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун мўлжалланган Д. 067.70.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар (2009 йил 12 май) йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот бўйича 10 та мақола ва илмий анжуманларда 3 та маърузалар тезиси нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ички қисмларга бўлинган.

Биринчи боб “Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни” деб номланиб, унда редупликация тушунчасига хос умумий хусусиятлар, редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни таҳлил этилган.

“Сўз туркумлари редупликацияси: структура ва семантика масалалари”га бағишланган иккинчи бобда хитой тили сўз туркумларида редупликация, унинг структур, семантик жиҳатлари ҳамда ҳосил бўлиш усуллари таҳлил этилган.

“Редупликатив моделларнинг микдорий таҳлили” деб номланган учинчи бобда хитой тили сўз туркумлари ва фразеологизмларида редупликатив моделларнинг микдорий таҳлили ўтказилган.

Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилади.

Диссертациянинг умумий ҳажми – 161 саҳифа. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар сони – 191та.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Биринчи боб “Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни” таҳлилига бағишланган бўлиб, у икки бўлимдан иборат.

1.1. бўлимда “ “Редупликация” тушунчаси ҳақида” сўз юритилади.

“Редупликация” лотинча *reduplicatio* сўзидан олинган бўлиб, “такрорлаш”, “икки марта қайтариш” маъносини англатади¹⁴, такрорий сўз ҳосил қилиш усули ҳисобланади¹⁵. Такрорий сўз айна сўзни такрор ҳолда қўллаш билан тузилган сўзга нисбатан айтилади¹⁶. А. Ҳожиёвнинг фикрича, такрорий сўз кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодалайди. Такрорнинг сўз яшаш функциясини четлаб ўтиб, унинг фақат сўз шаклини ясовчи функцияси эътиборга олинса, унда такрор ҳар хил маъноларни ифодалаб берувчи формал восита сифатида намоён бўлади. Масалан, такрор а) сифатларнинг кучайтирилган (озайтирилган) хусусиятини; б) феълларда ҳаракат давомлилиги, интенсивлиги, бир неча маротаба такрорланганлигини; в) субстантив маънолар доирасида йиғувчи ёки тақсимловчи маъноларни; г) экспрессив-услубий вазифа маъноларини ифодалайди. Бу маъноларнинг ҳаммаси тилнинг бошқа воситалари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ёндашув такрорнинг С. Карцевский томонидан изоҳланган “тил бирлигининг ассиметрик дуализми”га жавоб беради¹⁷.

“Такрор” деганда нафақат маълум бир сўзнинг такрорланиб келиши, балки қайтариқ (такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап ва шу кабилар) ҳам тушунилади¹⁸. Барча “такрорий” деб юритиладиган сўзлар доимо редупликатив сўз ҳисобланмайди. Масалан, “такрорий феъл” деганда такрорланадиган

¹⁴ Азизов О. Тилшуносликка кириш. - Т.: Ўқитувчи, 1989. - Б. 26.

¹⁵ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б. 101.

¹⁶ Кўрсатилган луғат. - Б. 102.

¹⁷ Словарь иностранных языков. - М.: Русский язык, 1979. - С. 209.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1981. Т.2. - Б. 110.

ҳаракатни ифодаловчи феъл англашилади: “тепкиланмоқ”, “тортқилагоқ”¹⁹. “Редупликатив феъл” эса бир феълнинг қисман ёки тўлиқ иккиланган шаклини билдиради: “яйраб-яйраб” (ўйнамоқ). Шунингдек, такрор айти сўзнинг синтактик бирлик сифатида икки ва ундан ортиқ ҳолда қўлланилишини ҳам ифодалайди²⁰.

Редупликация эса бундай хусусиятга эга эмас. “Редупликация” деганда такрорий сўз ҳосил қилиш усули тушунилади. Тадқиқот объектдан келиб чиқиб, диссертация ишида “редупликация” терминидан фойдаланилди. Чунки “такрор”, юқорида таъкидланганидек, редупликацияга қараганда кенгрок маънога эга.

Д.Э. Розенталь, М.А. Теленкованинг “Словарь-справочник лингвистических терминов” китобида редупликацияга “такрор” деб изоҳ берилади²¹. “Такрор” деганда маълум бир сўз негизининг ёки бутун сўзнинг такрорий ҳолда қўлланилиши натижасида сўзларнинг, фразеологик birlikларнинг, тасвирловчи шаклларнинг ясаиш усулларида бири тушунилади²². Такрорнинг бир неча тури мавжуд. Булар грамматик такрор, тақлидий такрор, лексик такрор ва услубий такрор.

“Грамматик такрор” деганда грамматик маъноларни ифодалаш, сўз шакллари ясаиш усуллари тушунилади²³. Ушбу усулларга синтетик, аналитик ва гибрид (аралаш) усуллар киради.

Такрорнинг бошқа бир тури бу – тақлидий такрор. Бунда оламдаги жонли ва жонсиз предметлар овозига, нарсаларнинг ҳаракати ва образига (тасвирига) тақлид қилиш орқали юзага келувчи сўзлар тушунилади (“шир-шир”, “жаранг-журунг” ва б.).

Лексик такрорда сўзларнинг такрори: 1) ҳодисалар ва предметларнинг кўплигини ифодалаш учун, 2) ҳаракатни, предметнинг сифатини, хусусиятини кучайтириш учун, 3) хатти-ҳаракат давомлилигини кўрсатиш учун қўлланилади. Услубий такрорда экспрессивликни кучайтириш мақсадида сўзларнинг гапда бир неча марта қайтарилиши тушунилади²⁴.

Диссертация ишида юқорида келтирилган такрор турларидан грамматик, тақлидий ва лексик такрор тадқиқ қилинган. Услубий такрор тадқиқот мақсадига киритилмаган. Чунки бундай такрор сўз ясаиш усули бўлмай, маълум бир ҳодисаларни ажратиб кўрсатиш, гапга экспрессивликни бериш учун қўлланилади.

“Лингвистический энциклопедический словарь” китобида редупликацияга қуйидагича изоҳ берилади: “Редупликация – бу фонеморфологик ҳодиса бўлиб, унинг “тўлиқсиз” (сўзнинг фақат бир бўғини такрорланади) ва тўлиқ (сўзнинг бутун негизи такрорланади) кўринишлари мавжуд”²⁵.

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1981. Т.2. - Б. 110.

²⁰ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б.101.

²¹ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М.: Наука, 1989. - С. 286.

²² Кўрсатилган луғат. - Б. 288.

²³ Кўрсатилган луғат. - Б. 457.

²⁴ Кўрсатилган луғат. - Б. 289.

²⁵ Лингвистический энциклопедический словарь. 2- издание, дополненное. - М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. - С.408.

Редупликацияда сўз (сўз негизи) такрор шаклда қўлланилади, баъзан унлилар ўзгариши рўй беради (*daura-dauri* “у ёқдан бу ёққа” (индонезия тилида), *chang-chung* “жаранг-журунг” (*синаётган идиш товуши*) (хитой тилида).

В.И. Немченко редупликация деганда “сўз ёки сўз негизининг такрори натижасида мураккаб сўзларни вужудга келтирувчи сўз яшаш усули”ни тушунади ²⁶. Унинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллари мавжудлиги, редупликациянинг аффиксация билан бирга қўлланилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Н.М. Шанский (“Основы словообразовательного анализа” (Москва, 1953), В.Н. Троицкий (“Основные принципы словообразования” (Москва, 1963) ҳам редупликация (такрор)ни сўз яшаш усулларида бири деб ҳисоблайдилар. “Сўзнинг такрори нафақат сўз маъносини кучайтиришга қаратилган ўзига хос услубий усул, балки янги сўз яшаш усулларида бири ҳамдир”²⁷.

А.С. Бархударов “Словообразование в хинди” (Москва, 1963) китобида отлар ва сонларнинг такрори кўпلىк маъносини билдириши мумкин, деб ёзади (масалан, хиндий тилида *ghar ghar (men)* “ҳар бир уйда”, *bar-bar* “қайта-қайта”, *tukre-tukre (hokar)* “кўп қисмларга”). Унинг фикрича, сўзларнинг такрори гапларнинг мазмун-моҳиятини кучайтиришга хизмат қилади²⁸.

Хитой тилида отлар ва сонлар такрори ҳам шу хусусиятга эга, масалан: 家 *jia* “уй” сўзининг такрори 家家 *jiajia* “ҳар бир уйда”, 步 *bu* “қадам” сўзининг такрори 步步 *bubu* “ҳар қадамда” маъноларига эга бўлади.

Демак, редупликация (重叠 *chongdie*) сўз яшаш усулларида бири бўлиб, сўз морфемасининг такрорланишидан вужудга келади²⁹. Редупликация натижасида пайдо бўлган лексик бирлик редупликатив сўз ёки такрорий сўз деб айтилади. Редупликация ёрдамида фреквентатив категория намоён бўлади.

Хитой тилида редупликация ҳодисаси барча сўз туркумларида мавжуд ва кенг фойдаланиш доирасига эга. Хитой тилида сўзларнинг редупликация асосида ҳосил бўлиш усуллари икки турга бўлинади. Булар:

1. Бир бўғинли (сода) сўзнинг такрорланишидан ҳосил бўлган сўзлар: бунда янги маъноли лексик бирлик вужудга келади. Ушбу редупликация сўз яшаш усулларида бири ҳисобланади.

2. Икки ва ундан ортиқ бўғинли (мураккаб) сўзнинг такрорланиб келиши орқали ҳосил бўлган сўзлар: бунда сўзнинг эквиваленти вужудга келади. Бундай редупликация эса сўз ишлатилиши усули ҳисобланади³⁰.

Лекин турли сўз туркумларида редупликатив сўзларнинг ҳосил бўлиши ўзига хос хусусиятларга эга. “Сўз яшаш усули ва сўз ишлатилиши усули сифатида қўлланиладиган редупликациялар орасида фарқ бор”, - деб ёзади Сун Чансюй³¹. Редупликациянинг биринчи турига кирувчи сўзлар фақат фонетик

²⁶ Немченко В.И. Основные понятия словообразования в терминах. – Красноярск, 1985. – С. 78.

²⁷ Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. – М.: Учпедиз., 1953. – С. 11.

²⁸ Бархударов А.С. Словообразование в хинди. – М.: Просвещение, 1963. – С. 54.

²⁹ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – С. 84.

³⁰ Кўрсатилган асар. – Б. 86.

³¹ 芝警功。动词重叠的语法意义。中国语文2006年第2期。- 页119.

томондан такрорланиб келса-да, янги маъноли сўзлар ҳисобланади. Бу сўзларнинг аввалги негиз бўғинлари билан алоқаси йўқ.

Редупликациянинг иккинчи турига асосан қариндошчилик атамалари киради. Улар бир морфемали сўзлардан (морфеманинг такрорланиши орқали) вужудга келади³²: 爸爸 *baba* “ота”, 妈妈 *mama* “она”, 姐姐 *jiejie* “опа”, 妹妹 *meimei* “сингил”, 哥哥 *gege* “ака”, 弟弟 *didi* “ука”, 公公 *gonggong* “қайнота”, 婆婆 *popo* “қайнона”.

Редупликация орқали ясалган сўзлардан қуйидаги редупликатив лексик бирликларни ажрата билиш керак: 偏偏 *pianpian* “атайлаб”, 常常 *changchang* “тез-тез”, 渐渐 *jianjian* “аста-секин”, 刚刚 *ganggang* “ҳозиргина” каби.

Сун Чансуюнинг фикрича, ушбу сўзларда морфеманинг иккиланиб келиши “экспрессияни кучайтириш воситасидир”³³, холос.

Умуман олганда, редупликация ҳодисаси гапларнинг мазмун-моҳиятини бойитади, нутқ оҳангига ўзгача тус беради.

1.2. бўлимда “Редупликациянинг тил типологиясида тутган ўрни” ҳақида айтилган мулоҳазалар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Такрор усулининг универсаллиги ва турли типологияли тилларда унинг структур, семантик-функционал ўзига хослиги редупликацияни тиллар таснифида типологик белгилардан бири сифатида ҳисоблаш имконини беради.

2. Ҳар хил типологиядаги тиллар нафақат барча (ёки аксарият) тиллар учун умумий бўлган сўз ичидаги такрор усулини ўзига хос тарзда қўллаш, балки бу усул тараққиётининг бошқа типологик кўрсаткичлар билан боғланганлик даражасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

3. Сўз ичидаги такрор усули, шубҳасиз, сўз яшашнинг асосий усули сўз қўшиш бўлган тилларда кенгрок қўлланади. Сўз қўшиш усули мавжуд бўлмаган тилларда редупликация одатда чекланган бўлади. Масалан, палеоосиё тилларининг эскимос-алеут гуруҳида сўз қўшиш усули йўқ ва такрор усули фақат ундов сўзларда учрайди. Лекин, шу билан бирга, маълум бир тилда сўз қўшиш усулининг маҳсулдорлиги шу тилда редупликация кенг фойдаланиш доирасига эга эканлигини билдирмайди. Масалан, кет тилида сўз қўшиш усули кенг тарқалган, лекин редупликация усулидан (ундов сўзларни ҳисобга олмаганда) деярли фойдаланилмайди.

4. Редупликациянинг структур-семантик ва функционал кўринишлари асосида қуйидаги янги таърифни таклиф қилиш мумкин: редупликация – бу морфема, ўзак ёки унинг унсурлари (товуш, бўғинлар), аффикслар ёки бутун сўзларнинг такроридан иборат сўз ёки шакл ҳосил қилиш усулидир. У ёки бу турдаги редупликациянинг маҳсулдорлиги тил морфологик қурилишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

5. Редупликацияни структур жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Редупликант товушнинг тўла ёки қисман такрорланиши билан боғлиқ редупликация:

Оддий (мураккаблашмаган) редупликация:

³² Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М.: Просвещение, 1984. - С. 85.

³³ 芝警功. 动词重叠的语法意义. 中国语文2006年第2期. - 页122.

а) тўлиқ редупликация – ўзак-морфема ёки ўзак-сўз редупликацияси, товуш комплекси редупликацияси;

б) тўлиқсиз редупликация – битта товуш, битта бўғин ёки редупликантнинг узунроқ қисми (дивергент қисмлар ҳосил бўлмасдан) редупликацияси;

в) дивергент редупликация – редупликант товуш таркиби ўзгариши (жумладан, тон ўзгаришлари) билан биргаликдаги такрор, яъни дивергент қисмлар ҳосил бўлишини кўзда тутувчи редупликация).

Мураккаб редупликация – ёрдамчи морфемалар (аффикслар, яримаффикслар) иштирокидаги такрор.

2. Редупликант товушнинг такрорланиши билан боғлиқ бўлмаган редупликация – синонимик лексик бирликлар такрори.

Иккинчи боб “Сўз туркумлари редупликацияси: структура ва семантика масалалари” деб номланиб, мазкур бобда сифат, феъл, от, тақлид сўз ҳамда ҳисоб сўзлардаги редупликация ҳодисаси тадқиқ этилди.

2.1. бўлимда сифатлардаги редупликация ўрганилди. Сифатларнинг 6 та редупликатив модели аниқланди. Шулардан икки бўғинли сифатларнинг ‘ABV’, ‘AABV’ моделлари маҳсулдор, бир бўғинли сифатларнинг ‘AA + 儿’ *er*, икки бўғинли сифатларнинг ‘A里AB’, ‘ABAB’ моделлари каммаҳсул ҳамда уч бўғинли сифатларнинг ‘AABVCC’ модели маҳсулдор эмаслиги аниқланди. ‘ABV’ ва ‘AABV’ моделлар маъно кучайтиришда етакчилик қилади. Ҳисобларга кўра сифатлар жами редупликатив сўзларнинг 67%ини ташкил этади. Бу эса сифатларда редупликация бошқа сўз туркумларига қараганда кенг қўлланилишини кўрсатади.

2.2. бўлимда феъллардаги редупликация тадқиқ этилди. Феълларнинг 7 та редупликатив модели аниқланди: бир бўғинли феълларнинг ‘AA’, ‘A – A’, ‘A来 A去’ (*Alai Aqu*), ‘东A西 A’, ‘A巴A巴’ (*A ba A ba*), икки бўғинли феълларнинг ‘ABAB’, ‘AABV’ моделлари. Шулардан бир бўғинли феълларнинг ‘AA’, ‘A – A’, икки бўғинли феълларнинг ‘ABAB’ моделлари маҳсулдор, бир бўғинли феълларнинг ‘A来A去’ (*Alai Aqu*) модели каммаҳсул, бир бўғинли феълларнинг ‘东A西 A’ (*dong A xi A*), ‘A巴A巴’ (*A ba A ba*), икки бўғинли феълларнинг ‘AABV’ моделлари маҳсулдор бўлмаган қолиплар деб топилди.

2.3. бўлимда от сўз туркумидаги редупликация тадқиқ этилди.

От сўз туркумига доир сўзларнинг 4 та редупликатив модели аниқланди. Шулардан бир бўғинли отларнинг ‘AA’, икки бўғинли отларнинг ‘AABV’ моделлари маҳсулдор, икки бўғинли отларнинг ‘AAB’, ‘ABV’ моделлари маҳсулдор эмаслиги аниқланди. Отларнинг ‘AA’ модели асосан қариндошчилик атамаларини ифодалувчи сўзларга оид. ‘AAB’ модели бўйича ясалган сўзлар “кўплик” маъносини ифодаляб, мазмунни умумлаштиришга хизмат қилади. Ҳисобларга кўра, отлар жами редупликатив сўзларнинг 6%ини ташкил этади.

2.4. бўлимда тақлид сўзлардаги редупликация ўрганилди. Тақлид сўзларда редупликациянинг 6 та модели аниқланди. Булар – бир бўғинли тақлид сўзларнинг ‘AA’ модели, икки бўғинли тақлид сўзларнинг ‘AABV’, ‘ABAB’,

‘ABB’, ‘ABBB’, ‘AA里(li)V’ моделлари. Бир бўғинли таклид сўзларнинг ‘AA’ модели махсулдор, икки бўғинли таклид сўзларнинг ‘ABB’ модели каммахсул, ‘AABB’, ‘ABAB’, ‘ABBB’, ‘AA里(li)V’ моделлари махсулдор эмаслиги маълум бўлди.

2.5. бўлимда ҳисоб сўзлардаги редупликация тадқиқ этилди. Ҳисоб сўзларда редупликациянинг 3 та модели аниқланди: ‘AA’, ‘— AA’, ‘— A — A’. Ҳисоб сўзларнинг ‘AA’ кўриниши одатда кўп учрайдиган такрорий моделлардан бири бўлиб, мазкур редупликатив кўринишга эга бўлган сўз “ҳар бир” деган маънони билдиради. ‘— AA’ кўриниши юқоридаги моделдан — *yi* “бир” сони кўшилиши билан фарқ қилади, “кўп” маъносини англатади. ‘— A — A’ модели сон ва ҳисоб сўз бирикмасининг тўла такрорланган кўриниши ҳисобланади.

Учинчи боб “Редупликатив моделларнинг миқдорий таҳлили” деб номланади ва у икки бўлимдан иборат.

3.1 бўлимда “Хитой тили сўз туркумлари ва фразеологизмларида редупликатив моделларнинг миқдорий таҳлили” олиб борилди. Тадқиқот давомида хитой тили сўз туркумларида редупликациянинг қайд қилинмаган моделлари ҳам аниқланди. Мазкур бобда амалиётдан келиб чиққан ҳолда қуйидагича иш олиб борилди: “现代汉语词典” *Xiandai hanyu cidian* (“Ҳозирги хитой тили луғати”), “成语词典” *Chengyu cidian* (“Хитой тили фразеологик луғати”), “汉俄词典” *Han-E cidian* (“Хитойча-русча луғат”)лардан редупликатив шаклга эга сўзлар ажратиб олинди ва моделлари ўрганилди. Натижада нафақат от, сифат, феъл, таклид сўз, балки бошқа сўз туркумлари, шунингдек, фразеологизмларнинг янги редупликатив моделлари аниқланди. Жумладан:

а) от сўз туркумига оид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘AABB’ (坑坑洼洼 *kengkengwawa* “нотекис жой”), тўлиқсиз редупликациянинг ‘AAB’ (毛毛虫 *maomaochong* “кўсак қурти”), ‘ABB’ (乱糟糟 *luanzaozao* “тартибсизлик”) моделлари;

б) сифатларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘ABB’ (孤零零 *gulingling* “ёлғиз”) модели;

в) феълларда тўлиқ редупликациянинг ‘AABB’ (躲躲闪闪 *duoduoshanshan* “ўзини олиб қочмоқ”), тўлиқсиз редупликациянинг ‘ABB’ (哗啦啦 *hualala* “ҳилпирамоқ”) моделлари;

г) равишларда тўлиқ редупликациянинг ‘AA’ (津津 *jinjin* “қизиқиш билан”), ‘AABB’ (磕磕绊绊 *kekebanban* “қоқинган ҳолда”), тўлиқсиз редупликациянинг ‘AAB’ (呱呱叫 *guaguajiao* “иштиёқ билан”), ‘ABB’ (空落落 *kongluoluo* “ўйламасдан”), ‘ABCC’ (心人答答 *xinrendada* “айбдорлик ҳисси билан”) моделлари;

д) таклид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘AABB’ (叽叽喳喳 *jizhazha* “чуғур-чуғур”), ‘ABAB’ (唧唧唧唧 *jinong jinong* “пичирламоқ”), тўлиқсиз редупликациянинг ‘ABB’ (叽嘎嘎 *jigaga* “қасир-қусур”) моделлари;

е) ундовларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘ABB’ (哎呦呦 *aiyouyou* “оҳ-воҳ”) модели;

ё) фразеологизмларда тўлиқ редупликациянинг ‘AABB’ (其其艾艾 *qiqiaiai* “тили айланмасдан қолди”), тўлиқсиз редупликациянинг ‘AABC’ 闷闷不乐 *menmenbule* “сувга тушган мушукдек”), ‘ABAC’ (多才多艺 *duocaiduoyi* “қўли гул”), ‘ABCB’ (将计就计 *jiangjijiuji* “хийла-найранг билан”), ‘ABCC’ (无所事事 *wusuoshishi* “ялқов бўлмоқ”) моделлари.

Қуйидаги жадвалда сўз туркумлари ва фразеологизмларда учраган редупликатив моделлар, уларнинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллариининг ўзаро фоизли нисбатини кузатиш мумкин.

1-жадвал

Редупликатив моделлар	Тўлиқ редупликация	Тўлиқсиз редупликация	Фоиз кўрсаткичи
От			
1) AA 2) AAB 3) AABB 4) ABV	AA; AABB	AAB; ABV	50% - 50%
Сифат			
1) AA 2) AA儿 3) AABB 4) ABAB 5) ABV 6) A里AB	AA; AABB ABAB	ABV; AA儿 A里AB	50% - 50%
Феъл			
1) AA 2) AABB 3) ABAB 4) ABV 5) A-A	AA; AABB ABAB	ABV A-A	60% - 40%
Рабиш			
1) AA 2) AAB 3) AABB 4) ABV 5) ABCC	AA AABB	AAB; ABV ABCC	40% - 60%
Тақлид сўзлар			
1) AA 2) AABB 3) ABAB 4) ABV	AA; AABB ABAB	ABV	75% - 25%
Ундов сўзлар			
ABV	-	ABV	100%
Сон			
1) AABB 2) ABAC	AABB	ABAC	50% - 50%
Ҳисоб сўзлар			
1) AA 2) -AA 3) -A-A	AA; -A-A	-AA	66.6%- 33.4%
Фразеологизмлар			
1) AABB 2) AABC 3) ABAC 4) ABCB 5) ABCC	AABB	AABC; ABAC ABCB; ABCC	20% - 80%

Материаллар таҳлили редупликатив моделлар ичида тўлиқ редупликациянинг ‘AABB’, ‘AA’, ‘ABAB’ ва тўлиқсиз редупликациянинг ‘ABB’, ‘AAB’ моделлари маҳсулдор эканлигини кўрсатди.


Қуйида луғатлар таркибидаги 60000 сўздан редупликатив сўз ва фразеологизмлар қанча миқдорни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилган.

2-жадвал

Редупликатив бирликлар	565		100%
От	тўлиқ - 4%	тўлиқсиз - 2%	6%
Сифат	тўлиқ - 33.5%	тўлиқсиз - 33.5%	67%
Феъл	тўлиқ - 2%	тўлиқсиз - 1%	3%
Равиш	тўлиқ - 2%	тўлиқсиз - 3%	5%
Тақлид сўз	тўлиқ - 3%	тўлиқсиз - 1%	4%
Ундов сўз	тўлиқ – 0.1%	тўлиқсиз - 1%	1%
Сон	тўлиқ - 0.2%	тўлиқсиз - 0.8%	1%
Ҳисоб сўз	тўлиқ - 1.4%	тўлиқсиз - 0.6%	2%
Фразеологизмлар	тўлиқ - 1%	тўлиқсиз - 10%	11%


Жадвал кўрсаткичларидан редупликация сифат ва фразеологик бирликларда юкори, ундов сўз ва сонларда пастроқ даражада қўлланилиши кузатилади. Тўлиқ редупликацияга эга сўзлар кўпроқ от, феъл, ҳисоб сўз, тақлид сўзларда учрайди; тўлиқсиз редупликацияга эга сўзлар кўпроқ равиш, сон, ундов ва фразеологизмларда учрайди. Сифатларда тўлиқ ва тўлиқсиз редупликатив сўзлар тенг миқдорга эга.

Редупликатив бирликларнинг редупликатив фоизли нисбати қуйидаги диаграмма орқали ифодаланади:




1-расм

3.2. бўлимда “Хитой тилида редупликатив сўзларнинг миқдорий таҳлили”
春天的喜悦 *Chuntiande xile* (“Баҳор завқи”) (2-расм) ҳамда 天的喜悦 *Tiande xile*
 (“Кун шодлиғи”) (3-расм) адабий ҳикоялари³⁴ асосида кўриб чиқилган.



2-расм



3-расм

³⁴ 龚军。狼的故事。21世纪出版社，2001年。

Ҳикоялардаги редупликатив сўзларнинг миқдорий таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни тасдиқлайди:

- адабий ҳикояларда редупликация кўпроқ сифат, феъл ва от сўз туркумларига оид сўзларда учрайди;
- ҳисоб сўзларда редупликация нисбатан кам қўлланилган;
- редупликация кўпроқ оғзаки нутқ ва ёзма адабий нутқда ишлатилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот таҳлиллари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Такрор усулининг универсаллиги ва унинг ҳар хил типологиядаги тилларда структур ва семантик-функционал ўзига хослиги редупликация тиллар таснифида типологик белгилардан бири эканлигини кўрсатади.

2. Ҳар хил типологиядаги тиллар нафақат барча (ёки кўпчилик) тиллар учун умумий бўлган сўз ичидаги такрор усулини ўзига хос тарзда қўллаш, балки бу усул тараққиётининг бошқа типологик кўрсаткичлар билан боғланганлик даражаси жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади.

3. Сўз ичидаги такрор усули, шубҳасиз, сўз яшашнинг асосий усули сўз қўшиш бўлган тилларда кенгроқ қўлланади. Сўз қўшиш усули мавжуд бўлмаган тилларда редупликация усули анча чекланган бўлади.

4. Редупликацияни, бир томондан, сўз қуришнинг ўзига хос усули сифатида қабул қилган ҳолда, иккинчи томондан, унинг структур-семантик ва функционал кўринишлари турли-туманлигини ҳисобга олувчи қуйидаги таърифни таклиф қилиш мумкин: редупликация – бу морфема, ўзак ёки унинг унсурлари (товуш, бўғинлар), аффикс ва бутун сўзларнинг такроридан иборат сўз ёки шакл ҳосил қилиш усулидир. У ёки бу турдаги редупликациянинг махсулдорлиги тил морфологик қурилишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

5. Редупликациянинг структур таснифини умумий тарзда қуйидагича келтириш мумкин:

1. Редупликант товушнинг тўла ёки қисман такрорланиши билан боғлиқ редупликация:

а) оддий редупликация (*тўлиқ редупликация* – ўзак-морфема ёки ўзак-сўз редупликацияси, товуш комплекси редупликацияси; *тўлиқсиз редупликация* – битта товуш, битта бўғин ёки редупликантнинг узунроқ қисми (дивергент қисмлар ҳосил бўлмасдан) редупликацияси; *дивергент редупликация* – редупликант товуш таркиби ўзгариши (жумладан, тон ўзгаришлари) билан биргаликдаги такрор, яъни дивергент қисмлар ҳосил бўлишини кўзда тутувчи редупликация);

б) мураккаб редупликация (ёрдамчи морфемалар (аффикслар, яримаффикслар) иштирокидаги такрор).

2. Редупликант товушнинг такрорланиши билан боғлиқ бўлмаган редупликация – синонимик лексик бирликлар такрори, яъни маъно такрорларини яратиш.

6. Редупликация хитой тилининг барча сўз туркумларида кенг қўлланилади. Хитой тилида редупликациянинг икки тури ажратилади. Биринчи

турида янги маънога эга бўлган лексик бирлик вужудга келади. Бу редупликация сўз яшаш усули ҳисобланади. Масалан, 花 *hua* “гул” → 花花 *huahua* “рангли”, 落 *luo* “тушиб кетмок” → 落落 *luoluo* “бемалол”, “мустақил”, 往 *wang* “йўлга отланмок” → 往往 *wangwang* “тез-тез”, 事 *shi* “иш” → 事事 *shishi* “ҳамма”, 洋 *yang* “океан” → 洋洋 *yangyang* “кенг” каби.

Иккинчи турида сўзнинг иккиланган морфемасига эга эквиваленти вужудга келади. Бу редупликация форма ясайди. Буларга асосан қариндошчилик атамалари киради: 姐姐 *jiejie* “опа”, 弟弟 *didi* “ука”, 婆婆 *popo* “қайнона” ва б.

7. Ҳозирги хитой тилида редупликациянинг структур жихатдан умумий уч тури мавжуд:

1) бутун сўзнинг такроридан ҳосил бўладиган редупликация – тўлиқ редупликация. Бу турдаги редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, шунингдек, сўз бўғинининг кетма-кет такрорланишидан тузиладиган ‘ААВВ’ редупликатив моделлари мавжуд;

2) сўзнинг маълум бўғини такрори натижасида вужудга келадиган редупликация – тўлиқсиз редупликация. Бу тур редупликациянинг ‘АВВ’, ‘ВВА’ моделлари учрайди;

3) мураккаб редупликация – ёрдамчи морфемалар (аффикслар, яримаффикслар) иштирокидаги такрор. Бу хилдаги редупликациянинг ‘А里 АВ’, шунингдек, ‘А巴А巴’ ва ‘А来А去’ каби моделлари бор.

8. Тадқиқот давомида редупликациянинг қуйидаги янги моделлари аниқланди:

а) от сўз туркумига оид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВВ’ моделлари;

б) сифатларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели;

в) феълларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ моделлари;

г) равишларда тўлиқ редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВВ’, ‘АВСС’ моделлари;

д) таклид сўзларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АВАВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ моделлари;

е) ундовларда тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели;

ё) фразеологизмларда тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АВАС’, ‘АВСВ’, ‘АВСС’ моделлари.

9. Сўз туркумлари ва фразеологизмларда редупликациянинг 6 та тўлиқ ва 13 та тўлиқсиз модели аниқланди. Тўлиқ редупликациянинг ‘ААВВ’, ‘АА’ ва тўлиқсиз редупликациянинг ‘АВВ’ модели маҳсулдор деб топилди. Тўлиқ редупликациянинг ‘АВАВ’, ‘—А—А’ ва тўлиқсиз редупликациянинг ‘ААВ’, ‘АВСС’, ‘АА儿’, ‘А里 АВ’, ‘ААВ’ моделлари каммаҳсул деб топилди.

10. Редупликатив сўзлар гапнинг оҳангини, таъриф-мазмунини кучайтиради, таъкид, кўплик, такрор, давомлилик, экспрессивлик маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Редупликация ёрдамида тилнинг фреквентатив категорияси намоён бўлади.

11. Редупликатив сўзлар гапда қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) сифат сўз туркумига оид сўзлар аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ёки кесим;
б) феъл сўз туркумига оид сўзлар, одатда, кесим, баъзи ҳолларда эга ёки тўлдирувчи;

в) тақлид сўзлар асосан ҳол, аниқловчи, баъзи ҳолларда кесим ёки тўлдирувчи;

г) ҳисоб сўзлар кўпинча аниқловчи, ҳол, баъзан эга вазифасини бажаради. Сон ва ҳисоб сўзи бирикишидан ҳосил бўлган миқдорий-ҳисоб бирикмаларининг такрорланган кўриниши гапда аниқловчи ёки ҳол вазифасини бажаради.

12. Хитой тилида редупликация турли сўз туркумларида ҳар хил моделлар асосида ҳосил бўлади. Шу билан бирга, турли сўз туркумларига оид сўзларнинг ўзларига хос редупликатив моделлари ҳам мавжуд.

Ҳисоб-китобга қараганда хитой тилида редупликатив моделларнинг 31% сўз яшаш учун, 69% форма яшаш учун хизмат қилади. Хитой тилида редупликация кўпроқ сифат (67%), фразеологизмлар (11%), от (6%), равиш (5%), сўнгра феълларда (3%) учрайди. Ҳозирги хитой тилида редупликатив сўзлар нафақат сўзлашув, балки адабий тилда ҳам кенг қўлланилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Хашимова С.А. Хитой тили сифатларида редупликатив моделлар // Илмий тўплам. - Т.: ТошДШИ нашриёти, 2004.- №1. - Б.122-127.
2. Хашимова С.А. Хитой тилида сифатларнинг редупликацияси // Шарқшунослик. - Тошкент, 2004.- №1 - Б.26-29.
3. Hashimova S.A. Reduplication of Chinese adjectives // The Fourth International Forum of Translation and Interdisciplinary studies. - The People's Republic of China, Beijing, 2004. - P.38-39.
4. Хашимова С.А. Хитой тили феълларида редупликатив моделлар // Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё: филология, сиёсат, ва фалсафа масалалари: илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. - Б.24-28.
5. Хашимова С.А. Хитой тили феълларида айрим редупликатив моделларнинг хусусиятлари // Шарқшунослик. - Тошкент, 2006. - №1. - Б.18-20.
6. Хашимова С.А. Хитой тили редупликатив тақлидий сўзларнинг хусусиятлари // Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё: филология, сиёсат, ва фалсафа масалалари: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. - Б.27-31.
7. Hashimova S.A. Reduplicative models of adjectives in Chinese, Uzbek and Russian languages // The International Conference on Translation and Interdisciplinary studies. - The People's Republic of China, Shanghai, 2006. - P.247-248.
8. Hashimova S.A. Some methods of translation of reduplication in Uzbek and Chinese // The Fifth International Conference on translation and Interdisciplinary studies. - The People's Republic of China, Beijing, 2006. - P.24.
9. Хашимова С.А. Особенности образования слов-повторов в китайском языке // Востоковедение. - Ташкент, 2007. - №1 - С.21-24.
10. Хашимова С.А. Хитой тили ном сўз туркумларида редупликация // Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё: филология, сиёсат, ва фалсафа масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, 2007. - Б.52-56.
11. Хашимова С.А. Ҳозирги замон хитой тилида редупликация // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2007. - Б.18- 20.
12. Хашимова С.А. Хитой тили тақлидий сўзларда редупликация // Шарқшунослик.. – Тошкент, 2007. - №1 - Б.24-27.
13. Хашимова С.А. Хитой тили предикатив сўз туркумларида редупликация // Шарқшуносликнинг долзарб муаммолари: Анъанавий илмий-педагогик конференцияси материаллар тўплами. - Тошкент, 2008. - Б.107-114.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Хашимова Сабохат Абдуллаевнанинг 10.02.22 – Осиё, Африка халқлари,
Америка ва Австралия туб халқлари тиллари ихтисослиги бўйича
“Ҳозирги хитой тилида редупликация” мавзuidaги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: редупликация, морфема, такрорий сўз, аффикс, тўлиқ ва тўлиқсиз редупликация, фреквентатив категория, дивергент редупликация, ономотопея, изоморф, алломорф, редупликатив сўз, редупликатив модель, семантик компонент, турғун бирикмалар.

Тадқиқот объекти: ҳозирги хитой тилидаги бир қатор сўз туркумларида редупликация ҳодисаси ва унинг моделлари.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳозирги хитой тилидаги турли сўз туркумларида мавжуд редупликация ҳодисасини, унинг ўзига хос ясалиш усуллари, хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш.

Тадқиқот методлари: қиёсий-тарихий, структурал, конструктив, тавсифий, таҳлилий, компонент, жадвалга солиш, квантитатив ва статистик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ўзбек хитойшунослигида биринчи мартаба хитой тилида редупликация ҳодисаси ўрганилди; редупликациянинг турли сўз туркумларида ясалиш моделлари тадқиқ этилди, редупликатив бирликларнинг структур таснифи ўтказилди; редупликатив сўзларнинг функционал таҳлили амалга оширилди; иш жараёнида хитой тилининг турли сўз туркумлари, шунингдек, фразеологизмларга хос янги редупликатив моделлари аниқланди; редупликатив сўзларнинг микдорий таҳлили учун лингвистик эксперимент амалга оширилди.

Амалий аҳамияти: хитой тили ва ихтисослик фанларини ўргатишда, таржима назарияси ва амалиётида, лексикология, лексикографи, семантика бўйича тадқиқотларда, шунингдек, хитой тилига оид турли хил ўқув қўлланмалар ҳамда шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари мавзуга оид Республика ва халқаро илмий анжуманларда ёритилди, “Хитой тилида редупликация” махсус курси яратилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда, таржимонлик соҳасида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Хашимовой Сабохат Абдуллаевны на тему:
“Редупликация в китайском языке” на соискание учёной степени
кандидата филологических наук по специальности 10.02.22 – Языки
народов Азии, Африки, аборигенов Америки и Австралии**

Ключевые слова: редупликация, морфема, аффикс, полная редупликация, частичная редупликация, фреквентативная категория, дивергентная редупликация, ономотопея, изоморф, алломорф, редупликативная модель, редупликативное слово, семантический компонент, устойчивые выражения.

Объекты исследования: явление редупликации и редупликативные модели современного китайского языка.

Цель работы: исследование явления редупликации в различных частях речи, а также способы построения и особенности редупликационных моделей современного китайского языка.

Методы исследования: сравнительно-исторический, математико-логический, структурный, аналитический, лексико-семантический, компонентный анализ, статистический и квантитативный.

Полученные результаты и их новизна: впервые, в узбекском китаеведении, в качестве объекта исследования изучено явление редупликации, редупликативные модели в различных частях речи китайского языка. Сделан структурный анализ редупликативных единиц, проанализированы функциональные особенности редупликативных слов. Выявлены новые редупликативные модели в различных частях речи и во фразеологизмах китайского языка.

Практическая значимость: результаты могут быть использованы при преподавании китайского языка и специальных предметов, в теории и практике перевода, в исследованиях по лексикологии, лексикографии, семантики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: материалы исследования были представлены в различных республиканских и международных конференциях, а также создан специальный курс “Редупликация в китайском языке”.

Область применения: используется при подготовке специальных курсов для филологов-востоковедов, а также в области теории и практики перевода.

RESUME

Thesis of Sabohat Abdullaevna Hashimova on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in Philology on speciality 10.02.22– The languages of the Peoples of Asia, Africa, the Indigenous Peoples of America and Australia on the subject:

“Reduplication in the modern Chinese language”

Key words: reduplication, morpheme, affix, complete reduplication, partial reduplication, divergent reduplication, onomatopoeia, reduplicative model, reduplicative word, semantic component, state phrases.

Subjects of the inquiry: reduplication and the reduplicative models in the modern Chinese language.

Aim of the inquiry: researching the reduplication and the particularities of the reduplicative models, methods of structure and composition of the reduplicative words in the different parts of speech of the modern Chinese language.

Methods of inquiry: comparative and historic, mathematical and logical, structural, analytical, lexical and semantic, cognitive, component analysis, statistical, interpretation and systematic.

The results achieved and their novelty. It is for the first time that in present day reduplication in the Chinese language have been the object of a monographic research; the reduplicative models in the different parts of speech of the modern Chinese language were studied, the reduplicative words were studied from the point of their structure, the function of the reduplicative words were analyzed, some new reduplicative models in the different parts of speech and in the phraseological units of the modern Chinese language were discovered.

Practical value: results of the research can be used in teaching Chinese and specialty subjects at secondary special and higher educational establishments, in the researches on theory practice of translation, lexicology, lexicography, and semantics.

Degree of embed and economic effectivity: the results of the research were reported at all relevant scientific conferences of Republican and international level, a special course on “Reduplication of the Chinese Language” was developed.

Sphere of usage: will be used for preparing special courses for the philologists in Oriental Study, in translation.

ТАДҚИҚОТЧИ

ХАШИМОВА С.А.